2010 ЙИЛ 8 ОКТЯБРЬ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ | № 194 (11.755) | Баҳоси эркин нархда

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкентда жорий йилнинг 9-15 октябрь кунлари «Tashkent ALE-2010» фотобиенналеси бўлиб ўтади. Мамлакатимизда бешинчи бор ўтказилаётган мазкур тадбирга дунёнинг турли давлатларида ҳар хил жанр ва услубда ижод қилаётган фоторассомлар, шунингдек, жаҳонга машҳур фотография жамиятлари ва ташкилотлари вакиллари таклиф этилган. Ташкилий қўмита дунёнинг 41 мамлакатида ижод қилувчи 156 нафар муаллифдан ёшлар ҳаёти, жаҳон халқларининг урф-одат ва анъаналари каби мавзулар акс эттирилган 1845 та асарни қабул қилиб олди.

● Президентимизнинг «Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ Касби туманида замонавий Юксалиш қўрғони бунёд этилмоқда. Бу ерда дастлабки қуриб битказилган 20 та уйга ёш оилалар кўчиб кирди.

● Гулистондаги «Соҳил уммон барака» корхонасида қум ва тошга қайта ишлов берадиган янги технологик линия ишга туширилди. Қиймати 399,4 минг АҚШ долларилик ушбу лойиҳа «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Сирдарё вилояти филиали томонидан тўлиқ молиялаштирилди. Натижада корхонада замонавий технологик линия ёрдамида йилига 215 миллион сўмлик қурилиш хом ашёси тайёрлаш имконияти яратилди.

● «Қува дон маҳсулотлари» корхонасида нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи цехнинг ишга туширилиши натижасида 26 та янги иш ўрни яратилди.

● Навоий вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг маҳаллий бўлими томонидан «Озон қатламини муҳофаза қилсак — у бизни асрайди» кўрик-танлови ташкил этилди.

### ЖАҲОНДА

● АҚШ давлат департаменти барча мамлакатларни Эрон билан тижорат битимларини тузмасликка чақирди.

● Франция расмий Москвани Россия Федерациясига экспорт қилинаётган чорвачилик маҳсулотларига нисбатан санитария меъёрларини қайта кўриб чиқишга даъват этди.

● Хитойнинг Хайнань музофотида кейинги 50 йил давомида илк бор шундай тинимсиз ёғаётган ёмғир улкан сув тошқинларини келтириб чиқарди. Натижада кўплаб турар жой бинолари сув остида қолди. 130 минг нафар одам хавфсиз жойларга кўчирилди. Умумий ҳисобда ёмғирдан 1,6 миллион киши жабрланди.

● Нигерияда бошқарувчи партия етакчиси А.Нгала ўлдирилди.

● Грецияда авиа диспетчерлар иштирокида 24 соатлик иш ташлаш намойишлари бўлиб ўтди. Бу ҳолат мамлакат ҳаво қатновида узилишларга олиб келди. Жумладан, 47 маҳаллий рейс тўлиқ бекор қилинган бўлса, 82 та парвоз вақти кечиктирилди.

● Буюк Британиянинг «British Airways» ва Испаниянинг «Iberia» авиакомпаниялари стратегик ҳамкорлик иттифоқи тузиш борасида келишиб олишди. Унга кўра компаниялар шу ойдан АҚШ ва Европа мамлакатлари бўйлаб парвозларни биргаликда амалга оширади.

● Сурияда одам танаси аъзолари савдоси билан шуғулланувчи уюшган жиноий гуруҳнинг 11 нафар аъзоси ҳибсга олинди. Маълумотларга кўра, контрабандачи чайқовчилар камбағал ва муҳтож одамларни ўз буйрагини ва бошқа аъзоларини сотишга ундашар, кўнмаётганларга эса таҳдид қилишар экан.

● Япониянинг Fujitsu компанияси дунёнинг энг кучли компьютери номига даъвогарлик қилаётган Fujitsu K суперкомпьютерини чиқарганини маълум қилди. У ҳукуматнинг PEKIN институти буюртмаси асосида тайёрланди. Институтнинг маълум қилишича, бу қудратли машина бир сонияда 10 квадриллион ($10^{15}$)гача математик амалиётни уддалай олади. У 800 та жиҳозланган сервер устуни ва 80000та 2,2 ГГц частотада ишловчи Fujitsu SPARC 64 VII fx процессорларидан иборат улкан мажмуадир.

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 7 октябрь куни Оқсаройда БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) Бош котиби Талеб Рифаини қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан ушбу нуфузли халқаро тузилма ўртасидаги ҳамкорлик уфқлари изчил кенгайиб бораётганини таъкидлади.

— Жаноб Бош котиб, Сизни Ўзбекистон заминида қутлашдан ғоят мамнунман. Биз ўзаро ҳамкорлигимизни, мамлакатимизнинг сайёҳлик ва маданий-тарихий салоҳиятини юзага чиқариш ва биргаликда намоён этиш борасидаги муносабатларимизни ривожлантириш йўлидаги муштарак саъй-ҳаракатларимизни юксак қадрлаймиз, — деди Ислом Каримов.

Мамлакатимиз Жаҳон сайёҳлик ташкилотига 1993 йилда аъзо бўлган. ЮНВТО БМТ Тараққиёт дастурининг ижрочи агентлиги ва жаҳонда сайёҳлик соҳасидаги етакчи институт бўлиб, маданият соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш ва халқларнинг маънавиятини бойитишга фаол кўмаклашади. Ташкилот 150 дан зиёд давлатни бирлаштиради, дунёнинг кўпгина мамлакатларида ушбу йўналишдаги кўплаб лойиҳаларни молиялаштиради ва амалга оширади.

Бугун Ўзбекистон билан ЮНВТО ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Бу ҳамкорлик мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини юксалтиришга, мазкур соҳада бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатларни кенгайтириш ва Буюк Ипак йўлининг маданий меросини тарғиб этишга кенг имкониятлар яратмоқда.

2004 йили Самарқандда ЮНВТОнинг Минтақавий офиси очилди. У Буюк Ипак йўлининг тарихий ареалида жойлашган мамлакатлар миллий сайёҳлик ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштиради. Марказда ушбу мамлакатларнинг диққатга сазовор жойлари ва тарихий обидалари тўғрисидаги қимматли маълумотларни ўзида жамлаган ягона ахборот базаси фаолият кўрсатмоқда.

Ҳар йили Тошкентда Жаҳон сайёҳлик ташкилоти шафеълигида халқаро сайёҳлик ярмаркаси ўтказилади. Шу кунларда мамлакатимиз пойтахтида йигирмадан зиёд давлат вакиллари иштирокида ўтаётган ана шундай анжуман доирасида 8-9 октябрь кунлари Самарқандда ЮНВТОнинг Буюк Ипак йўлида сайёҳликни ривожлантириш масалаларига бағишланган мажлиси бўлади.

Оқсаройдаги учрашувда Талеб Рифаи самимий қабул учун Ўзбекистон Республикаси Президентига миннатдорлик билдириб, БМТнинг ўзи раҳбарлик қилаётган ушбу ташкилоти мамлакатимиз билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришдан ғоят манфаатдор эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан ЮНВТО ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**



## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**«Ўзэкспомарказ» мажмуасида «Ипак йўли бўйлаб саёҳат» XVI-Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси бўлиб ўтмоқда. Мазкур анъанавий тадбир «Ўзбектуризм» миллий компанияси томонидан ташкил этилиб, ярмарканинг ҳамкор мамлакати сифатида бу йил Таиланд Қироллиги иштирок этмоқда.**

Ярмаркалар

## ИПАК ЙЎЛИ БЎЙЛАБ САЁҲАТ

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда мустақиллик йилларида туризм ривожига алоҳида эътибор қаратилиб, соҳадаги такомиллаштириш ишлари салмоғи ҳам ортиб бормоқда. Янги сайёҳлик йўналишларининг очилиши, қадимий обидалар, тарихий ёдгорликларнинг қайта тикланиши, аэропортлар реконструкция қилинаётгани, халқаро андозаларга мос меҳмонхоналар, замонавий йўллар бунёд этилаётгани бунинг яққол мисолидир. Албатта, ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларда сайёҳлик ярмаркаси алоҳида ўрин тўтади.

Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси Марказий Осиёнинг энг йирик тадбирларидан саналиб, у юртимиз ва хориж сайёҳлик бизнесининг кенг доирадаги профессионалларини жалб этиб келмоқда. Яна айтиш жоизки, сайёҳлик ярмаркаси мамлакатимизнинг соҳадаги обрў-эътибори янада юксалишида муҳим аҳамият касб этади.

Карнай-сурнай садолари, фольклор дасталарининг қўшиқлари, дорбозлар томошаси, раққосаларнинг дилбар хироми, қизиқчиларнинг чиқишлари тадбир файзини янада оширган бўлса, «ҳунармандлар шаҳарча»сидаги маҳоратли усталаримиз маҳсулотларининг намойиши, «Шарқ бозори» ярмаркасидаги бободеҳқонларимиз томонидан етиштирилган сархил мева ва сабзавотлар ташриф буюрувчиларга завқ бағишлайди. Ошпазу пазандалар, қандолатчилар маҳсулидан баҳраманд бўлиш, новвойларимиз санъатига таҳсинлар айтиб, ноз-неъматлардан татиб кўриш имконияти яратилганлиги ярмарка кўркини янада очиб, барчанинг кайфиятини кўтаради.

Ярмарка нуфузи ортиб бораётганини йил сайин иштирокчилар сафи, уларнинг географик ўрни, таклиф этилаётган хизматлар доираси кенгайиб бораётганидан яққол сезиш мумкин. Бу йил тадбирда дунёнинг 36 та мамлакатидан 500 та компания ва фирмалар иштирок этмоқда. Жумладан, Германия, Озарбойжон, Греция, Ҳиндистон, Хитой, Кипр, Қозоғистон, Малайзия, Россия, Таиланд, Туркия, Чехия, Швейцария ва илк бор Иордания Хошимит Қироллиги ҳам иштирок этмоқда. Шу ўринда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган компаниялар, ўнлаб меҳмонхона мажмуалари томонидан тавсия этилаётган кенг хизматлар сайёҳлик ривожига муҳим ҳисса бўлаётганини айтиш жоиздир.

— Фаолият бошлаганимизга 15 йил бўлди, — дейди «Natalie Travel» сайёҳлик фирмаси директори Улуғбек Нурматов. — Ўзбекистон туристик йўналишларини чет эллик сайёҳларга таклиф этамиз, фуқароларимизга ҳам 100 та йўналиш бўйича хизмат кўрсатамиз. Фирмамизда малакали мутахассислар меҳнат қилади. Ярмаркада доимий қатнашиб келамиз. Албатта, бу ҳамкорлар билан ишлашимизда, хизмат сифатини оширишда катта роль ўйнамоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ТЎҚҚИЗ ОЙ ЯКУНЛАРИ ТАҲЛИЛИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари Комплексининг 2010 йилнинг 9 ойида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.**

Йиғилишда Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгилаб берилган устувор вазифаларнинг бажарилиши, жумладан, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, инновацион лойиҳалар, маҳаллий ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турларини, экспортбоп маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш ва ҳажмларини кўпайтириш дастурларининг, инвестициявий лойиҳаларнинг бажарилиши тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

2010 йилнинг 9 ойида Комплекс бўйича жами 1 триллион 924 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди. Ўсиш суръати 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан 116,8 фоизни ташкил этди. Аҳолига 925,4 миллиард сўмлик (106,3 фоиз) пуллик хизматлар кўрсатилди. Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича 191,9 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ўзлаштирилди ёки режага нисбатан 175,1 фоизга бажарилди.

Экспорт прогнози кўрсаткичлари 123,8 фоизни ташкил қилди.

Шунингдек, йиғилишда «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида миллий маънавиятимизни юксалтириш орқали менталитетимизга хос бўлмаган иллатлар келиб чиқишининг олдини олиш, ёшларни спортга жалб этиш, спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш, янги спорт комплексларини қуриш ҳамда жиҳозлаш, уларни юқори малакали мураббий кадрлар билан таъминлаш, ёшлар учун янги иш ўринларини ташкил этиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, архив ишини такомиллаштириш, марказий давлат архивларини реконструкция ва модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги таҳлил қилинди.

Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳокимлик органларида ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилишининг ҳолати, қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишнинг аҳволи, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлигида «ZiyoNET» ахборот таълим порталини ўқув-тарбиявий ресурслар билан бойитиш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа муассасаларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилди.

Йиғилишда Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қўйилган устувор вазифалар ижросини йил якунигача сўзсиз таъминлаш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган қўшимча чора-тадбирлар белгилаб олинди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА)**

**Пойтахтимизда 13-14 октябрь кунлари VI Халқаро ўзбек пахта ярмаркаси бўлиб ўтади.**

## ЎЗБЕК ПАХТАСИНИНГ ШУҲРАТИ

Ўзбекистон жаҳон пахта бозоридаги етакчи мамлакатлардан биридир. Пахтачилик ва пахтани қайта ишлаш саноати иқтисодиётимизда муҳим ўрин тутади. Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар, хусусан, тармоқларни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш борасидаги туб ўзгаришлар натижасида пахта етиштириш, қайта ишлаш ва ундан энг юқори халқаро стандартларга жавоб берадиган тола ишлаб чиқариш жараёнлари такомиллаштирилди.

Фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фермер хўжаликларини кредитлар, зарур техника ва материаллар, минерал ўғит билан имтиёзли таъминлаш йўлга қўйилган. Фермерларимиз ўзини ернинг ҳақиқий эгаси сифатида ҳис қилмоқда ва пахтанинг мамлакатимиз ҳамда дунё бозорида талаб юқори бўлган навларини танлаб экмоқда. Деҳқонларнинг ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлиги пахта ҳосилдорлиги ва сифатининг ошишига, уни етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **КЕЧА** Юнусобод туманлараро жиноий ишлар суди ташаббуси билан уюштирилган сайёр йиғилишда юртимиз Мустақиллигининг 19 йиллиги муносабати билан Олий Мажлис Сенати томонидан эълон қилинган амнистия тўғрисидаги қарорнинг ижроси муҳокама қилинди.

✓ **АДЛИЯ** бошқармаси ҳамкорлигида нотариал идоралар фаолиятини ривожлантириш, ушбу идораларнинг моддий-техник базасини яхшилаш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

✓ **11-17** октябрь кунлари Республика олимпия захиралари теннис маркази кортларида АТР таснифидаги «Тошкент челленжер» турнири ўтказилади. **Эртага** мусобақа олдидан матбуот анжумани бўлиб ўтади.

✓ **11-12** октябрь кунлари Ўзбекистон Фанлар академиясида «Клиник иммунология, иммуногенетиканинг соҳалараро муаммолари» мавзусида халқаро илмий-анжуман ўтказилади.

# ЎЗБЕК ПАХТАСИНИНГ ШУҲРАТИ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Пахта селекцияси, уни районлаштириш, йиғиб-териб олиш ва сақлашдан тортиб, харид қилинган толани истеъмолчиларга етказиб беришнинг энг мақбул йўналишларини ташкил этишгача бўлган жараёнлар пухта ишлаб чиқилган. Шу боис ҳам юқори сифати билан шуҳрат қозонган ўзбек пахтасига бўлган эҳтиёж халқаро бозорларда тобора ортиб бораётир.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ўтказиб келинаётган анъанавий ўзбек пахта ярмаркаси юртимизнинг ушбу соҳадаги ҳамкорлигини ҳамда халқаро иқтисодий муносабатлардаги иштирокини янада кенгайтиришга хизмат қилаётир.

Халқаро ўзбек пахта ярмаркасида, деб хабар беради ЎзА, ҳар йили кўплаб мамлакатлардан йирик пахта истеъмолчилари, харидорлар йиғилади. Эътиборли жиҳати, мазкур ярмарка иштирокчилари жўғрофияси тобора кенгайиб, дунёнинг янги-янги минтақаларини қамраб бормоқда. Биргина мисол. 2005 йилда ташкил этилган биринчи ярмаркада 30 мамлакатдан трейдер ва тўқимачилик компанияларининг 170 нафардан ортиқ вакили қатнашган бўлса, 2009 йилда 34 мамлакатдан 515 тадбиркор иштирок этди.

Бугунги кунда пахтамиз Хитой, Россия, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш, Жанубий Корея, Сингапур, Вьетнам, Туркия сингари кўплаб давлатларга экспорт қилинмоқда. Пахта бизнеси бўйича ҳамкорларимиз орасида тўқимачилик саноати жадал ривожланаётган Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари компаниялари кўпчиликни ташкил этмоқда. Ушбу мамлакатлар билан савдо-сотиқ кўрсаткичлари, тузилган шартномалар сони ҳам йилдан-йилга кўпаймоқда.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йиллар пахта ҳосилининг ярмаркага қўйилган қисмлари тўла сотилди. 2009 йил икки кун давом этган анжуман доирасида бир миллион тоннадан ортиқ пахта толасини сотиб олиш бўйича шартномалар имзоланган эди.

Навбатдаги ярмарка давомида анжуман иштирокчилари мамлакатимизда пахтачилик мажмуини ривожлантириш стратегияси билан атрофлича танишиш, пахта толасини етказиб бериш бўйича шартномалар тузиш имконига эга бўладилар. Жорий йилда ҳам мамлакатимиз пахтани қайта ишлаш корхоналари томонидан тайёрланган истиқболли пахта навлари толасининг икки минг намунаси намойиш этилади.

Таъкидлаш керакки, юртимизда пахта толасини сертификатлаш энг илғор халқаро стандартлар асосида амалга оширилмоқда. Бу жараёнда HVI юқори технологик тизимларидан фойдаланилмоқда. «Сифат» марказининг лабораториялари тармоғи пахтани қайта ишлаш корхоналаримиз ишлаб чиқараётган пахта толаси сифатини назорат қилиб бормоқда.

Ўзбекистон юқори сифати билан ажралиб турадиган пахтани кафолатли равишда етказиб берувчи мамлакат сифатида эътибор қозонган. Пахта бизнеси бўйича ҳамкорларимиз бу ерда бозор нархлари ўзгаришига қараб, унинг мослашувчан кўрсаткичларидан фойдаланилаётгани ҳамда бу ҳамкорликни кенгайтириш борасида манфаатдорликни оширишини таъкидлаб келмоқда.

Мамлакатимизнинг пахта экспорти билан шуғулланадиган ташқи савдо компаниялари замонавий ва самарали сотиш услубларини қўллаган ҳолда, ўз маркетинг стратегиясини мустақил шакллантирмоқда. Ярмаркада қатнашадиган чет эл трейдер фирмалари ва тўқимачилик компанияларига ўзлари танлаган толани сотиб олиш бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузиш билан бир қаторда, уни транспортировка қилиш тўғрисида келишиб олиш имконияти берилади. Истеъмолчиларни ушбу хизматлар билан таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Мамлакатимизда пахта терминаллари, транспорт инфратузилмаси ва кенг тармоқли логистика тизими йўлга қўйилган.

Пахта толасини экспорт қилишни такомиллаштириш билан бир қаторда, тўқимачилик корхоналарини ривожлантириш ҳисобидан пахтани бевосита ўзимизда қайта ишлаш ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Бунинг самарасида соҳага жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажми, қўшма корхоналар сони кўпаймоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамасдан мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланаётгани, бизнес учун яратилган қулайликлар халқаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этаётир. Халқаро ўзбек пахта ярмаркаси ушбу ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида бу жараёнда мустаҳкам ўрин эгаллади.

Навбатдаги Халқаро ўзбек пахта ярмаркаси ҳам, шубҳасиз, жаҳон пахта бозорида муҳим воқеага айланади, иқтисодиётимизни янада изчил ривожлантириш ва халқаро майдонда рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ**

# ИПАК ЙЎЛИ БЎЙЛАБ САЁҲАТ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Дарҳақиқат, ярмарканинг асосий вазифаси хусусида тўхталадиган бўлсак, бу ерда қатнашчилар ва ташриф буюрувчилар бўш вақтни мазмунли ўтказишнинг ҳар хил турлари, янги йўналишлар ҳақида барча зарур ахборотларни олиши мумкин. Шунингдек, ёзги сайёҳлик мавсуми якунлари чиқарилиб, келгуси режалар шакллантирилади, навбатдаги мавсумнинг имкониятлари ҳам тавсия этилади.

Жорий йил ярмаркаси кўргазмалар мажмуасининг 6 минг квадрат метрга тенг иккита намойиш залини эгаллаганлиги ҳам унинг имкониятлари кенглигидан далолат беради.

«Ўзбекистон сайёҳлиги» павильонидаги эксклюзив стендларда мамлакатимиз сайёҳлик соҳасини ривожлантиришга кўмаклашаётган ташкилотлар намойиши барчанинг эътиборини тортмоқда. Бу ерда республикамиз сайёҳлик фаолияти ҳудудий идоралари ва субъектлари, ўқув ва соғломлаштириш марказлари, театр ва музейлар, сайёҳлик компаниялари, «Ўзбектуризм» миллий компанияси ҳудудий бўлинмалари ва туризм бюролари ўзаро бирлашган бўлиб, жаннатмакон юртимизнинг сайёҳлик ютуқлари кўрсатилмоқда.

Тадбирнинг тантанали қисмида сайёҳлик мавсуми тугаши якунлари бўйича «2009 йилги Ўзбекистон сайёҳлигида яхшилар орасидаги энг яхшилар» республика танлови ғолибларига дипломлар топширилди.

Кўргазма доирасида икки кун давомида Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган «Ипак йўли» БМТ Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНБСТ) лойиҳаси иштирокчи мамлакатлари миллий сайёҳлик идоралари вакилларининг навбатдаги йиғилиши ҳам **БУГУН** ўз ишини бошлади.

Сирасини айтганда, мамлакатимиз улкан сайёҳлик имкониятларига, шунинг баробарида бебаҳо маданий кўҳна ва табиий меросларга эга. Буюк Ипак йўли заминимизга катта мерос қолдирган бўлиб, тўрт мингдан зиёд машҳур қадимги меъморий обидалар — сарой, қалъа, мақбара, масжид, мадраса, миноралар сайёрамизнинг барча ҳудудларидан кўплаб сайёҳларни мамлакатимизга жалб этади. Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси мамлакатлар ўртасида ҳамкорлик муносабатларини кенгайтиришга кўмаклашиб, диёримизнинг сайёҳлик салоҳияти янада юксалишига хизмат қилиши шубҳасиз.

**Шарифа ИЛЁСОВА**
**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат**

# СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА

**Соғлом турмуш тарзи энг аввало тиббий маданият даражаси билан ўлчанади десак, муболаға бўлмайди. Бу борада айниқса, қизларимизни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаш, аёллар саломатлигини муҳофаза қилиш масалалари алоҳида аҳамиятга эгадир.**





Соғлом турмуш мезонлари тиббий, жисмоний, психологик ва руҳий, шу билан бирга инсон маънавияти билан боғлиқ омилларни ўзида мужассам этади.

Саломатлик ва тиббий статистика институти шаҳар филиали томонидан Чилонзор туманидаги 39-оилавий поликлиника билан ҳамкорликда Тошкент 1-педагогика коллежида бўлиб ўтган семинар- тренингда ҳам шу хусусда сўз борди.

Тадбирда мутахассислар томонидан қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзи асосида уларни мустақил оила турмушига тайёрлаш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Таъкидланганидек, қизлар — бўлғуси она, соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келади. Қизларни ўсмирлик чоғидан бошлаб саломатлигига эътибор қаратиш, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, камқонликнинг, шунингдек турли хил юқумли касалликларнинг олдини олиш энг муҳим масалалардандир.

Долзарб мавзуга бағишланган тадбир якунида ўқувчилар барча қизиқтирган саволларига мутахассислардан тўлиқ жавоб олишди.

**Дилором ИКРОМОВА**
**Козим Ўлмасов олган суратлар**

**Пойтахтимизда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон ёшлар театри ҳамкорлигида ташкил этилган «Theatre.UZ/2010» халқаро театр фестивали давом этмоқда.**

# ФЕСТИВАЛЬ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий театр санъатини равнақ топтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ёшларнинг бадиий диди ва тафаккурини юксалтириш, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида камол топтириш, миллий театр санъатимиз ютуқларини халқаро миқёсда кенг намойиш этишдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Ўзбек Миллий академик драма театри, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театри, Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театри, Ўзбекистон ёшлар театри, Республика ёш томошабинлар театри, Бухоро вилояти қўғирчоқ театри, Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри ижодкорларининг спектакллари Япония, Россия, Миср, Туркия сингари давлатларда бўлиб ўтган халқаро театр фестивалларида юксак эътирофга сазовор бўлгани ҳам бунинг ёрқин далилидир.

«Theatre.UZ/2010» халқаро фестивали доирасидаги учрашувлар, ижодий кечалар, маърифий анжуманлар бу борада эришилган ютуқлар, жаҳон театр санъатида кечаётган ижодий жараёнлар, ўзгариш ва янгиликлар билан томошабинларни яқиндан таништиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Халқаро фестиваль доирасида, деб хабар беради ЎзА, Ўзбек Миллий академик драма театрида Валижон Умаров томонидан саҳнага қўйилган «Аёлғу» спектакли намойиш этилди. Ҳаётнинг мазмун-моҳияти, инсон қадри, меҳр-оқибат ва эзгулик тараннум этилган ушбу спектакль мутахассис ва томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

Шунингдек, Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида театр декорацияси санъатига бағишланган бадиий кўргазма ташкил этилди. Унда пойтахтимиз театрларида фаолият кўрсатаётган рассомларнинг ижодий ишлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Спектаклларнинг бадиий ва ғоявий пишиқ-пухталигини таъминлаш, асар мазмун-моҳиятини томошабинга тўла етказишда театр декорацияси ижодкорлари – рассомлар меҳнати алоҳида ўрин тутади.

Мазкур кўргазмада Ўзбек Миллий академик драма театри, Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театри, Республика ёш томошабинлар театри, Ўзбекистон ёшлар театри, Республика қўғирчоқ театри каби ижодий жамоаларда фаолият кўрсатаётган постановкачи-рассомлар, сценографлар томонидан яратилган саҳна безаклари, декорациялар, эскизлар, картина ва фотосуратлар билан танишиш мумкин.

**Назокат УСМОНОВА**

**Танловлар**

# ТАЛАБАЛАР ИЖОДИЙ ИШЛАРИ НАМОЙИШИ

**Ёшларимизнинг дунёқарашини кенгайтириш, интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, иқтидори ва истеъдодини намоён этишига кенг шароитлар яратилган.**

Бу борада «Камолот» ЁИҲ томонидан ўтказилиб келинаётган кўрик- танловлар, кўплаб мавзудаги тадбирларнинг ҳам алоҳида ўрни бор.

Ўзбекистон давлат санъат институтида Қизил Ярим Ой жамияти билан ҳамкорликда «Мен сизни биламан» мавзусида ўтказилган фототанловда 30 дан ортиқ олий таълим муассасалари талабалари ўз ижодий ишлари билан иштирок этди.

— Танлов «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилиб, ёшларнинг ижодкорлик истеъдоди ва қобилиятини аниқлаш, улар онгига истиқлол ғояларини сингдиришга қаратилган, — дейди «Камолот» ЁИҲ шаҳар кенгаши бўлим мудири Гулнора Абдуваҳобова.

Ўзбекистон Давлат санъат институти талабаси Жаҳонгир Ибрагимов танловда биринчи ўринни қўлга киритди. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат ҳамда Камолиддин Беҳзод номидаги институтлар талабалари Камола Мирходиева ва Эдик Кулманов – иккинчи, Сардор Қодиров (Тошкент Давлат техника университети), Жаҳонгир Маҳмудов (Тошкент Кимё-технология институти) ва Шавкат Қодиров (Ўзбекистон Давлат санъат институти) – учинчи ўринга муносиб деб топилди.

Ғолиблар ташкилотчилар томонидан диплом ва совғалар билан тақдирланди. Ёшларнинг устозлари Ҳасан Файзиев, Аваз Маллабоев ва Ҳайдар Санаевга ташаккурнома топширилди.

Тадбир давомида истеъдодли санъаткорлар ижросида янграган дилрабо куй ва қўшиқлар, саҳна асарларидан парчалар барчага хуш кайфият улашди.

**Шоира МУХАМЕДОВА**

**Иқтисодиёт**

# МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН ФОЙДАЛАНИБ

**Юртимизнинг иқтисодий ўсишини таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик масаласига ечим топиш, аҳолининг даромади ва фаровонлигини янада оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни алоҳидадир.**

— Ўтган йили 50 миллион сўмлик кредит ҳисобига янги замонавий саноат дастгоҳлари ўрнатдик, — дейди «Serge and partners» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Сирожиддин Баҳодиров. — Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибордан руҳланган ҳолда мақсад ва вазифаларимизни бажариш борасида янги лойиҳалар устида ишлаяпмиз.

Шуни айтиш жоизки, ишлаб чиқаришда деярли 90 фоиз маҳаллий хом ашёдан фойдаланилади. 15 нафар малакали ишчи-хизматчи томонидан ҳар чоракда 40-50 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланади. Барча товарлар гигиеник сертификатга эга.

Самарали саъй-ҳаракатлар натижасида «Хозяюшка» савдо белгиси билан тайёрланаётган маҳсулотлар республикамизда харидоргирлиги билан ўз муносиб ўрнига эга. Ҳозирда корхонада янги маҳсулот туркуми — 75 фоизи маҳаллий хом ашёдан кирни оқартирувчи ва ойна ювиш воситаларини ишлаб чиқариш устида ишлар қизғин кетмоқда.

## ЎЗ ЎРНИГА ЭГА

**Халқаро сифат даражасидаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар ички бозоримизни рақобатбардош товарлар билан узлуксиз таъминлаш баробарида экспорт ҳажми юксалишида ҳам муҳим ўрин тутаётгани эътиборга лойиқ.**

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Asklepiy-Svift» қўшма корхонаси шулар жумласидандир. 1998 йилдан фаолият кўрсатаётган корхонада бугунги кунда 120 нафардан зиёд малакали ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда.

Бу ерда қулай қадоқланган пахта, бинт, дока, салфетка, боғловчи материаллар – 40 дан зиёд табиий гигиеник маҳсулотлар «White Gold» савдо белгиси билан ишлаб чиқарилади. Яқинда ўзлаштирилган косметик мақсадларда қўлланиладиган кичик салфетка тўпламининг ҳам харидоргирлиги таъминланмоқда.

Корхонада модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш борасида қилинаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. «Asklepiy-Svift» қўшма корхонасининг барча маҳсулотлари халқаро стандартлаштиришнинг бошқарув тизими ва менежмент ISO 1901:2000 сифат белгисига тўлиқ жавоб беради.

Корхона маҳсулотлари фақат ички бозоримизни тўлиқ таъминлабгина қолмай, ҳозирда Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Беларусь, Украина давлатларига «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиғи билан экспорт ҳам қилинмоқда.

## СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР

**Ички бозоримизни сифатли маҳсулот билан таъминлашга астойдил бел боғлаган корхоналар йилдан-йилга ортиб бормоқда.**

1997 йилдан фаолият юритаётган «Nigmatjon—RIN» масъулияти чекланган жамияти ҳам маҳаллий хом ашёдан маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Ҳозирда 30 нафар ишчи-хизматчилар меҳнат қилаётган мазкур корхонада кенг тармоқларда, уй-рўзғорда ҳам қўлланиладиган полиэтилен маҳсулотлар тайёрланади. Буюртмачининг хоҳиш-истаги асосида боғдорчиликда, иссиқхоналарда ишлатиладиган ностандарт пленкалар, озиқ-овқат пакетлари тайёрлаш орқали ушбу жамиятда ишлаб чиқариш самарадорлигига эришилди.

— Ички бозорни чуқур ўрганган ҳолда асосий эътиборни сифатга, буюртмаларнинг ўз муддатида бажарилишига қаратамиз, — дейди корхона раҳбари Азиз Рихсиев. — Кичик цехда юқори самарали дастгоҳлар мададида турли ҳажмдаги буюртмалар бажарилади. Кичик ва хусусий бизнес субъектларини ривожлантиришга қаратилган эътибор туфайли биз имкониятлардан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Маҳаллийлаштириш дастури асосида фаолият кўрсатаётган корхонада жорий йил охиригача ишлаб чиқаришни кенгайтириш асосида янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**КЕЧА Ўзбекистон экологик ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Тошкент халқаро Вестминстер университети ҳамкорлигида «Барқарор ривожланиш, атроф-муҳит ва Марказий Осиёда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш» мавзусида халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди, деб хабар беради «Туркистон-пресс».**

# БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ВА ТАБИАТ

Мамлакатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисида сўзлаган нутқида Орол инқирозининг атроф-муҳитга, бу ерда истиқомат қилаётган миллионлаб одамлар ҳаётига ҳалокатли таъсирини камайтириш бугуннинг энг муҳим вазифаларидан бири эканлигини таъкидлагани бежиз эмас.

Оролбўйи ҳудуди иккита асосий манба – Амударё ва Сирдарё ҳисобидан сув билан таъминланади, ушбу дарёлар оқимининг камайиши мазкур кенг минтақанинг шундоқ ҳам заиф экологик мувозанатини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин.

Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Атроф-муҳит ва инсон саломатлиги бўйича Европа маркази мутахассислари иштирок этган конференцияда сайёрамизнинг барча минтақаларидаги каби Марказий Осиёда, хусусан Ўзбекистонда ҳам атроф-муҳит муҳофазаси, экологик муаммоларни бартараф этиш энг долзарб вазифа эканлиги қайд этилди. Аммо шу ҳам таъкидландики, бу каби муаммоларни бир давлат миқёсида ҳал этиш мушкул, чунки трансчегаравий тусга эгадир. Демак, экологик муаммоларнинг ечимини ишлашда дунё тажрибаларини ўрганиш, халқаро меъёрларни қўллаш зарур.

Йиғилишда «Сув ресурсларини ривожлантиришда ижтимоий ва экологик эҳтиёжни қондиришни мувофиқлаштириш», «Атроф-муҳит ва инсон саломатлигининг ўзаро боғлиқлиги», «Маҳаллий ҳолат ва атроф-муҳит барқарорлиги: Фарғона водийсининг самарали модели», «Орол фожиаси ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

**Эргаш ХЎЖАЕВ**




# БУТУНЖАҲОН ТАЭКВОНДО ФЕДЕРАЦИЯСИ БОШ АССАМБЛЕЯСИ ЙИҒИЛИШИ

**Пойтахтимизда 8-10 октябрь кунлари таэквондо «пумсе» бўйича бўлиб ўтадиган V жаҳон чемпионати олдидан Бутунжаҳон таэквондо федерациясининг бош ассамблеяси йиғилиши бўлди.**

Мамлакатимизда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида спортни, жумладан, таэквондони ривожлантиришга доимий эътибор қаратилаётгани, юртимизнинг нуфузли спорт анжуманларини юқори савияда ўтказиш борасидаги катта тажрибаси ва имкониятларини инобатга олган Бутунжаҳон таэквондо федерацияси (WTF) раҳбарияти жаҳон чемпионатини Тошкент шаҳрида ўтказишга қарор қилди.

Бутунжаҳон таэквондо федерацияси (WTF), Ўзбекистон таэквондо ассоциацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси ҳамкорлигида ўтказиладиган нуфузли мусобақада олтмишдан зиёд мамлакатдан олти юз нафарга яқин спортчи ғолиблик учун куч синашади. Жаҳон чемпионати ўсмирлар, хотин-қизлар, катталар ва фахрийлар ўртасида яккалик, жуфтлик ва жамоавий «пумсе» бўйича ўтказилади.

– Мамлакатингизда таэквондонинг WTF йўналишини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор ва таэквондо «пумсе» бўйича жаҳон чемпионатини юқори савияда ўтказиш мақсадида яратилган шарт-шароитлар эътиборга молик, – деди ЎзА мухбирига Бутунжаҳон таэквондо федерацияси президенти Чунг Вон Чой. – Юртингизда барча соҳада катта ўзгаришлар юз бермоқда. Тошкентга илк бор 2007 йилда келганман. Ўтган уч йил давомида пойтахтингизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилганига, шаҳар янада кўркам ва чиройли бўлганига гувоҳ бўлиб турибман. Ўзбекистон таэквондо ассоциацияси ва Бутунжаҳон таэквондо федерациясининг ўзаро ҳамкорлиги янада мустаҳкамланиши ҳамда юртингизда таэквондо бундан-да жадал оммалашишига ишонаман.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ**

# УСТОЗ-ШОГИРД МАКТАБИ

**Шайхонтоҳур туманидаги 314-мактабда «Таълим самарадорлигини юқори босқичга кўтаришда инновацион технологияларнинг ўрни» мавзусида семинар бўлиб ўтди, деб хабар беради «Туркистон-пресс».**

Халқ таълими бош бошқармаси услубий маркази томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда «Устоз-шогирд мактаби» тизими доирасида фаолият кўрсатаётган она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари иштирок этди.

